

## ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИДА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ЎРНИ

**О.М. Сатимбаев**

Ўзбекистон Республикаси ИИБ

масъул ходими, подполковник

**Аннотация:** Мазкур мақолада hozirgi кунда мамалакатимизда ахборот технологияларини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ислохотлар амалга оширилаётган ишлар ёритилган, ички ишлар органларида электрон давлат хизматлари кўрсатилиши, ҳужжатларни қабул қилиш, рўйхатга олиш, давлат хизматлари кўрсатиш жараёни тўғрисидаги хабарномаларнинг электрон шакллари қўлланилиши, “Ягона маълумотларни қайта ишлаш маркази” (Data-center)ни, “Маълумотлар узатиш тармоқлари”ни, “Электрон ҳужжат алмашинув тизими”ни, Фуқароларга масофадан туриб электрон хизматларни кўрсатиш, маҳалла идоралари, ҳуқуқ-тартибот масканлари аҳоли демографияси ҳақидаги маълумотлар базалари шакллантирилиб, “Smart Mahalla” мобил иловаси, Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ягона электрон иш юритув доирасидаги “E-ma'muriy ish”- тизими масаласига эътибор қаратилган.

**Таянч сўзлар:** ягона маълумотларни қайта ишлаш маркази, Маълумотлар узатиш тармоқлари, Электрон ҳужжат алмашинув тизими, “Smart Mahalla” мобил иловаси, “E-ma'muriy ish”- тизими, “102” тест режими, IT-инфратузилмаси.

**Аннотация:** В данной статье освещается работа, проводимая по реформам по развитию информационных технологий в мамалакатыме, применение электронных форм уведомлений о предоставлении электронных государственных услуг в органах внутренних дел, процесс получения документов, регистрации, государственных услуг, применение "Единого центра обработки данных" (Data-центр), "сети передачи данных", "система электронного документооборота", дистанционные электронные услуги гражданам,, правоохранительные органы сформировали базы данных по демографии населения, сосредоточив внимание на выпуске мобильного приложения "Умное соседство", системы "Электронная административная работа" - в рамках единого электронного производства по делам об административных правонарушениях.

**Ключевые слова:** Единый центр обработки данных, сети передачи данных, система электронного документооборота, мобильное приложение "Умное соседство", система "электронная административная работа", тестовый режим "102", IT-инфраструктура.

**Annotation:** This article highlights the work carried out on reforms for the development of information technologies in mamalakatym, the use of electronic forms of notifications on the provision of electronic public services in internal affairs bodies, the process of obtaining documents, registration, public services, the use of a "Single data Processing center" (Data Center), "data transmission networks", "system electronic document management", remote electronic services to citizens,, law enforcement agencies have formed databases on population demography, Focusing on the release of the Smart Neighborhood mobile application, the Electronic Administrative Work system - within the framework of a single electronic procedure for administrative offenses..

**Key words:** Unified data processing center, data transmission networks, electronic document management system, Smart Neighborhood mobile application, electronic administrative work system, test mode 102, IT infrastructure.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг куламли ислохотлар миллий давлатчилик ва суверенитетни мустаҳкамлаш, хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартиботни, давлатимиз чегаралари дахлсизлигини, жамиятда қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳитини таъминлаш учун муҳим пойдевор бўлди ва ҳалқимизнинг муносиб ҳаёт кечирishi, фуқароларимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини руёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратилди<sup>1</sup>.

Олиб борилаётган ислохотлар самарасини янада ошириш, хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартиботни, давлатимиз ички хавфсизлигини, жамиятда қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги "Ички ишлар органлари тўғрисида"ги ЎРҚ-407-сонли қонуни<sup>39 40 41</sup> қабул қилинди. Ушбу қонун билан ички ишлар органларининг асосий вазифалари этиб

\*

40

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017. - № 6. - 70-м.

41

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017. - № 6. - 70-м.

фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкани, конституциявий тузумни ҳимоя қилишдан, қонун устуворлигини, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлашдан, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикасида иборатлиги, шу билан бирга ички ишлар органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан ички ишлар органлари фаолиятни ўз ваколатлари доирасида: фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, терговга қадар текширувни, тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш, жиноят ишлари бўйича суриштирув ҳамда дастлабки терговни ўтказиш, жиноятчилик ва терроризмга қарши курашиш, шу жумладан террорчилик ҳаракатларига чек қўйишда ҳамда гаровга олинганларни озод қилишда иштирок этиш йўли билан курашиш, шунингдек одам савдосига қарши курашиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, уларнинг сабабларини ва содир этилишига имкон бераётган шарт - шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш, ҳуқуқбузарликларни содир этишга мойил шахсларни аниқлаш, эҳтиёт чораларини, жиноий жазони ва жиноий-ҳуқуқий таъсир курсатишнинг бошқа чораларини ижро этиш, шунингдек шахсларни қидириш бўйича ишларни ташкил этиш, маъмурий ҳуқуқбузарликлар туғрисидаги ишларни юритиш, маъмурий жазоларни қўллаш туғрисидаги қарорларни ижро этиш, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, паспорт тизими талабларининг бажарилишини таъминлаш, Ўзбекистан Республикасидан чиқиш ва унга кириш учун зарур бўлган ҳужжатларни, доимий ва вақтинча яшаш учун рухсатномаларни беришга ҳамда расмийлаштиришга доир ишларни, паспорт тизимига ва Ўзбекистан Республикаси ҳудудида бўлиш қоидаларига риоя этилиши устидан назорат қилишни амалга ошириш, шунингдек пиротехника буюмларининг, гиёхвандлик воситаларининг, психотроп моддаларнинг ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши соҳасида назорат қилиш, эксперт - криминалистика фаолиятини амалга ошириш, лицензиялаш ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни бериш, шунингдек лицензия ва рухсат этишга оид талабларга ҳамда шартларга риоя этилишини назорат қилиш, харбий - сафарбарлик ишларини ва фуқаро муҳофазаси тадбирларини амалга ошириш, қонун ижодкорлиги фаолиятида ҳамда жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга доир ишларда иштирок этиш каби асосий йўналишларни амалга оширилиши белгиланди.

Шунингдек, ҳозирги кунда долзарб бўлиб турган ва мавзуимизни асосий йўналиши ҳам ушбу қонунда белгилаб ўтилган яъни, ички ишлар органлари ўз фаолиятида фан ютуқларидан, замонавий технологиялардан ва ахборот тизимларидан фойдаланиш орқали ички ишлар органлари жисмоний ва юридик шахсларга ушбу органларнинг ваколатларига тааллуқли электрон давлат хизматлари кўрсатилишини, шунингдек ҳужжатларни қабул қилиш ва рўйхатга олишнинг, давлат хизматлари кўрсатиш жараёни тўғрисидаги хабарномаларнинг электрон шакллари қўлланилишини қонунчиликка мувофиқ таъминланиши, жамоат тартибини, жамоат хавфсизлигини таъминлашда, жиноятлар, маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда, уларни аниқлашда, уларга чек қуйишда, уларни фош этишда, тергов қилишда ҳамда жиноятлар, маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши ҳолатларини, ходисалар ҳолатларини ҳужжатлаштиришда, шу жумладан жамоат жойларида, шунингдек ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажараётган ички ишлар органлари ходимларининг ҳаракатларини қайд этиш учун техник воситалардан, шу жумладан аудио, фото ва видео қайд этиш воситаларидан фойдаланиши мумкинлиги, ички ишлар органларида давлат сирларини ёки қонун билан қуриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларни муҳофаза қилиш, шу жумладан криптографик воситаларни қўллаган ҳолда техник жиҳатдан муҳофаза қилиш таъминланади<sup>42</sup>.

Президентимизнинг ички ишлар органларига жуда катта эътиборини қаратилиши натижасида Республикамиз ички ишлар органларида мисли курилмас ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2021 йил 12 февраль кунги Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида кенгайтирилган тарзда ўтказилган хайъат йиғилишида ҳам ички ишлар органларида тубдан ўзгариш ясалди. Шунингдек, йиғилишда ички ишлар органларининг жиноятчиликка қарши курашиш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси йўналишидаги ишлари танқидий муҳокама қилиниб, жиноятчиликни маҳаллаларда жиловлash, профилактика инспекторининг иш юклагасини енгиллаштириб, натижадорлигини ошириш масалаларига алоҳида аҳамият қаратилди. Шу билан бирга ички ишлар органларининг барча бўғинида қоғозбозлик ва бюрократияни кескин камайтириб, иш

<sup>42</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016. - № 38. - 438-м. <https://lex.uz/docs/3027843>.

юритишни рақамлаштириш вазифаси қўйилди. Шу мақсадда Ички ишлар вазирлигида биринчи маротаба ахборот технологиялари бўйича алоҳида вазир ўринбосари лавозими жорий этилди.

«Хозир ҳамма телефонда, ижтимоий тармоқларда. Одамларни ички ишлар бўлимига чақирадиган ёки қоғоздаги мурожаатини кутиб ўтирадиган замон ўтиб бўлди. Энди туман ва шаҳар бошқармасини маҳалла билан боғлайдиган, одамлар билан онлайн мулоқот қиладиган дастурий маҳсулот яратиш керак. Бутун ички ишлар тизими ахборот технологиялари асосида ишлаши зарур, - деди Шавкат Мирзиёев<sup>1</sup>. Шундан сунг, республикаимиз ҳудудида жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишнинг яхлит тизимини шакллантириш, ички ишлар органларининг энг қўйи буғинидан республика даражасигача самарали фаолиятини йўлга қўйиш ва замонавий иш услубларини жорий этиш орқали мамлакатимизда ҳуқуқ-тартибот ва қонунийликни мустаҳкамлаш, аҳолининг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистан Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6196-сон Фармони<sup>43 44 45</sup> қабул қилинди. Ушбу фармон билан Ички ишлар органлари тизимини янада такомиллаштириш бўйича тасдиқланган «йўл харитаси»га мувофиқ ички ишлар органлари фаолиятига рақамли ва замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш асосий йўналишларидан бири этиб белгиланди.

Ушбу фармонга мувофиқ, Ўзбекистан Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 15 октябрь кунги «Ички ишлар органлари фаолиятига замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 645-сон Қарори қабул қилинди. Шунингдек, ҳукумат қарори билан тасдиқланган ички ишлар органлари тизимига ахборот технологияларини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар дастурига мувофиқ 2021-2023 йиллар давомида 10 та йўналиш бўйича умумий қиймати 945,4 млрд сўмлик жами 91 та комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиши кузда тутилган. Комплекс тадбирларнинг пировардида ички ишлар органлари фаолиятига янги 12 та ахборот тизимларини жорий этиш, курсатилаётган давлат

<sup>43</sup> Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигида 2021 йил 12 февраль кунги Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида кенгайтирилган тарзда ўтказилган хайъат йиғилишидаги нутқи. uza.uz.

<sup>44</sup> Хонунчилик маълумотлари миллий базаси, 26.03.2021 й., 06/21/6196/0240-сон.

<sup>45</sup> Хонунчилик маълумотлари миллий базаси, 15.10.2021 й., 09/21/645/0961-сон.

хизматларининг 80 фоизини электрон шаклга ўтказиш ҳамда фаолиятни 90 фоизини рақамлаштириш кўрсаткичига эришиши ҳамда ички ишлар органларида мавжуд 39 та ҳамда янги яратилаётган ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларида ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш комплексларини жорий қилиниши белгиланган.

Даставвал, комплекс тадбирларни технологик тўғри ташкил этиш, ахборот тизимлари ва маълумотлар базасини самарали бўлишини таъминлаш учун ички ишлар органлари тизимида телекоммуникация, алоқа тармоқларини ривожлантириш ва IT-инфраструктурасини модернизация қилиш мақсадида зарурий чора-тадбирлар режалаштирилди:

- Ички ишлар вазирлигида замонавий “Ягона маълумотларни қайта ишлаш маркази” (Data-center)ни ташкил этиш;
- Ички ишлар органлари тизимида “Маълумотлар узатиш тармоқлари”ни жорий қилиш;
- “Электрон ҳужжат алмашинув тизими”ни жорий қилиш;
- Ахборот хавфсизлигини таъминлаш мақсадида маълумотларни таҳлил қилувчи мониторинг тизимини жорий этиш.

Хозирда ички ишлар органлари фаолиятида замонавий технологиялардан фойдаланиш ва жорий қилиш орқали катор ютуқларга эришилмоқда:

*I. Ички ишлар органларининг аҳолига хизмат курсатиш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кутариш йўналишида:*

Бугунги кунда фуқароларга давлат хизматларидан фойдаланишда қулай шароитларни яратиш мақсадида босқичма-босқич уларни электрон кўринишига ўтказиш чоралари кўрилмоқда.

Фуқароларга масофадан туриб электрон хизматларни кўрсатиш, маҳалла идоралари, ҳуқуқ-тартибот масканлари аҳоли демографияси ҳақидаги маълумотлар базалари шакллантирилиб, “Smart Mahalla” мобил иловаси яратилди.

*II. Ички ишлар органларида инсон омилини истисно этувчи ҳисоб-қайд интизоми ва ягона жиноий-ҳуқуқий статистикани юритиш йўналишида:*

Жиноят ва ходисалар ҳақидаги хабарларни қабул қилиш йўналишида республика бўйича “102” тизимини жорий этиш юзасидан ташкилий-техник тадбирлар амалга оширилиб, 2021 йил якунига қадар республика миқёсида ягона ахборот маконида ишловчи “102” тизими тест режимида йўлга қўйилди.

Натижада иш самарадорлигининг янги мезонлари асосида таҳлиллар олиб бориш тизими такомиллаштирилди. Жиноятларни маҳалла, куча, шунингдек турлари кесимида таҳлил қилиш, куч-воситаларни жиноятчилик мураккаб бўлган ҳудудларга тўғри тақсимлаш, жиноятчиликни прогнозлашга қараб тезкор тадбирларни белгилаш имкониятлари очилди.

“102” тизимининг дастурий таъминотини технологик имкониятларини кенгайтириш ва янги инновацион ечимларни татбиқ қилиш мақсадида Кадастр агентлиги билан “ИИБ геоахборот харитаси” яратилди, “Ўзтелеком” АЖ “Ўзтелеком-биллинг” базаси интеграция қилиниб, стационар телефонлар ҳақида маълумотларни реал вақт режимида электрон харитада акс этилиши йўлга қўйилмоқда, “102” тизими Бош прокуратуранинг “Е-материал” дастурий модулига интеграция қилиниб, маълумотлар автоматик тарзда дастурга узатилиши йўлга қўйилди. Келгусида, мазкур тизимни такомиллаштириш орқали 20 дан зиёд ахборот тизимларини янги платформага ўтказиб, ягона қидирув тизимини яратиш орқали:

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан жиноятларни иссиқ изидан фош этиш, қидирувдаги шахсларни аниқлаш ва бошқа тезкор тадбирларни амалга оширишда ахборот тизимидаги барча маълумотлардан онлайн тарзда фойдаланиш имконияти яратилади.

*III. Ички ишлар органлари куч ва воситаларини ситуацион бошқариш янги амалиётини жорий этиш йўналишида:*

Ички ишлар органлари куч ва воситаларни бошқариш ва зарурий маълумотлар базаларидан ахборотларни таҳлил қилиш мақсадида Вазирликнинг барча ахборот тизимлари ягона комплекс платформага бирлаштирилди.

Мазкур платформа Тошкент вилоятининг Ангрен шаҳар ва Бустонлик тумани ИИБлари негизида “Намунавий шаҳар ИИБ” ва “Намунавий туман ИИБ”лари негизида синовдан ўтказилди. Комплексда Ички ишлар органларининг 30 дан ортиқ ахборот тизимлари ўзаро интеграциялашган ҳолда фаолият юритмоқда.

*IV. Жиноятларни жилавланда замонавий билимлар, техника, воситалар ва янгича иш услубларини татбиқ қилиш йўналишида:*

Эксперт-криминалистика бўлинмалари фаолияти бўйича жиноятчиликка қарши курашиш ва уларни “иссиқ изи”дан фош этишда замонавий техник таъминот ҳамда автоматлаштирилган криминалистик ахборот-қидирув тизимлари муҳим ўрин эгаллайди. Сунгги йилларда

ички ишлар органларининг эксперт-криминалистика фаолияти бўйича қўйидаги ишлар амалга оширилди. “Геном бўйича давлат рўйхатига олиш” тўғрисидаги Қонунга кура Ички ишлар вазирлиги геномга оид ахборотнинг ягона маълумотлар базасини юритишни амалга оширувчи ваколатли давлат органи этиб белгиланди.

*V. Жамоат хавфсизлигини таъминлаш йўналишида:*

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ягона электрон иш юритув доирасидаги “E-ma'muriy ish”- тизими яратилиб, 2021 йил охирига қадар профилактика инспекторларининг 60,3 фоизига яъни Тошкент шаҳри, Самарқанд, Наманган, Бухоро, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларида профилактика инспекторлари 100 фоиз, Сурхондарё вилоятида 60,1 фоиз планшет қурилмалари билан таъминланиб, ушбу ҳудудларда қоғоз шаклидаги баённомаларни расмийлаштиришдан тулиқ воз кечилди. Бунинг натижасида 2021 йилда 1 млн. 248 мингдан зиёд фуқароларни тезкорлик билан шахсини аниқлаб, жиноятларга алоқадорлигини текшириш, 621 минг нафарига маъмурий баённома жойида расмийлаштириш, 25 нафар одил судловдан яшириниб юрган жиноятчиларни ушлашга эришилди.

Бундан ташқари, жазони ижро этиш муассалари тизими, киберхавфсизлик ва ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларга қарши курашиш, сунъий интеллект технологияларини татбиқ этиш ҳамда ички ишлар органлари учун малакали профессионал кадрлар таёрлаш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш йўналишлари бўйича замонавий технологияларни жорий этиш юзасидан чоратадбирлар белгиланиб, самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Юқорида келтирилган маълумотлар асосида бугунги кунда турлари купайиб, кундан кунга такомиллашиб кетаётган кибержиноятчиликка қарши курашда қўйидаги асосий талабларни бажариш орқали турли кибержиноятлардан ҳимояланиш мумкин деб ҳисоблаймиз:

*биринчидан*, ходимларга ахборот хавфсизлиги асосларини ўргатиш; *иккинчидан*, фойдаланаётган дастурий маҳсулотларни заифликларини доимий синовдан ўтказиш;

*учинчидан*, ахборот тизимларини ҳимоялашда куп факторли аутентификациядан фойдаланиш;

*туртинчидан*, мунтазам равишда компьютер қаттиқ дискларидаги маълумотларни шифрлаш.